

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎКИМАЧИЛИК САНОАТИ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078977>

Шерзод Солижонович Махсудов

Фаргона давлат университети
тадқиқотчи



ELSEVIER



Abstract Мазкур мақолада тўқимачилик саноати корхоналарида, Ижобий ўзгариш тенденциялари, Тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш, Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш, тўқимачилик маҳсулотлари экспорт хажми, мамлакатимизда тўқимачилик соҳасида соғлом инвестициявий муҳит яратиш, соҳанинг жадал суръатларда ривожланишининг назарий асослари ёритилиб берилган.

Keywords: техник-иктисодий модернизациялаш, тўқимачилик маҳсулотлари, Калава ип, Тайёр мато, Трикотаж газлама, Тикув-трикотаж маҳсулотлари, хом ашё ва материаллар, замонавий тикув ва бўёвчи корхоналар.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022



АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ РАЗВИТИЯ СЕТИ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ.



Abstract: В данной статье рассмотрены тенденции положительных изменений, подготовка и прядение текстильного волокна, производство текстильной продукции, переработка текстильной продукции, объем экспорта текстильной продукции, создание здоровой инвестиционной среды в текстильной промышленности нашей страны, в данной статье освещены теоретические основы стремительного развития отрасли.

Keywords: технико-экономическая модернизация, текстильная продукция, пряжа Калава, Готовая ткань, Марля трикотажная, Швейно-трикотажные изделия, сырье и материалы, современные швейные и красильные предприятия.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

ANALYSIS OF THE STATE OF THE DEVELOPMENT OF THE NETWORK OF THE TEXTILE INDUSTRY IN UZBEKISTAN



Abstract: This article discusses the trends of positive changes, the preparation and spinning of textile fibers, the production of textile products, the processing of textile products, the volume of exports of textile products, the creation of a healthy investment environment in the textile industry of our country, this article highlights the theoretical foundations for the rapid development of the industry.

Keywords: technical and economic modernization, textile products, Kalava yarn, Finished fabric, Knitted gauze, Sewing and knitwear, raw materials, modern sewing and dyeing enterprises.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

Кириш.

Ўзбекистон ҳозирда катта ва кўп йўналишларга эга бўлган тўқимачилик саноатига эга. Тўқимачилик саноатининг республика ялпи ички маҳсулотигаги улуши 4,8 %ни ташкил этиб, саноат маҳсулотининг 25 %и, ишлаб чиқариш асосий фондларининг 13 %и ушбу тармоққа тўғри келади. Шу билан бирга, унда республика саноат ходимларининг 32 %и меҳнат қилмоқда.


Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхоналари, 10 та машинасозлик корхоналари, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, шунингдек 91 та пахта-тўқимачилик кластерлари, “Шарқ либослари” дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, “Ўзтўқимачиликэкспорт” ташқи савдо компанияси, пахта толаси сотувини амалга ошириш бўйича “Тўқимачиликброк” компанияси, шунингдек тўқимачилик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи “Енгилсаноатқурилиш” компаниялари фаолият юритмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати соҳасида Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Махкамова, Ш.И.Отажонов, Н.М.Расулов, Б.А.Абдуллаев, Г.Д.Хасанова, Т.З.Тошпулатов, И.И.Солиев, Г.Б.Шоназарова, О.Э.Эрназаров каби олимлар изланишларида тўқимачилик саноатини инновацион-инвестицион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, тўқимачилик саноат корхоналарининг инновацион ҳамда инвестицион фаолиятини бошқаришда тўқимачилик корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ундаги бошқарув механизмларини ўрганиш, ўзгаришларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

Таҳлил ва натижалар.

Иқтисодий-техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ташқи ва ички бозор талабларга жавоб берадиган товар ва маҳсулотларни кўпайтириш ҳисобига амалга оширилади. Шу боис юртимизда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор берилмоқда (1.1-расм).



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётида ЯИМ ва тўқимачилик тармоғининг ўсиш суръати²³⁴, (млрд. сўмда)

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ушбу корхоналар фаолиятида қуйидагича ўзгариш тенденцияларини кўрсатмоқда (1.1-жадвал).

1-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар²³⁵, млрд. сўмда

№	Кўрсаткичлар номи	йиллар						
		2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш	5850,2	6539,8	7620,3	10699,7	17135,8	22656,6	29956,1
2.	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	507,4	655,4	758,8	1113,7	1936,6	2738,4	3872,1
3.	Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш	48,7	59,7	84,7	355,7	151,4	275,2	500,1
4.	Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4471,4	5986,8	4871,5	4594,2	5611,3	6056,1	6536,2

²³⁴ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

²³⁵ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шунингдек, 2014-2020 йиллар давомида республикамиз микёсида ип, тайёр мато, трикотаж мато ҳамда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда (1.2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси²³⁶

Йиллар	Калава ип (минг тонна)	Тайёр мато (млн.кв. м.)	Трикотаж газлама (минг тонна)	Тикув-трикотаж маҳсулотлари (млн. дона)	Пайпоқ маҳсулотлари (млн. жуфт)
2014	257,8	246,9	37,3	294,8	39,2
2015	307,2	258,3	41,2	339,6	47,9
2016	348,6	285,7	51,1	391,6	64,0
2017	403,7	302,6	69,9	452,3	102,0
2018	448,9	348,9	89,9	536,0	135,0
2019	515,8	380,7	112,3	622,4	184,8
2020	592,7	415,4	140,4	722,8	252,9
2021	669,6	450,1	168,5	823,2	321

Жадвал маълумотларига кўра, 2014-2021 йиллар давомида ип маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 мартага, тайёр мато ишлаб чиқариш 1,7 мартага, трикотаж газлама ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 мартага, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 мартага ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 мартага ортиб бориши кузатилади.

Статистик маълумотларга кўра, тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажмининг 67,2%, яъни салмоқли улушини ип маҳсулотлари эгаллаб келмоқда. Матолар ҳажми 7,3%, трикотаж газламалар 6,2%ни, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари 1,9%ни, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари микдори 17,4%ни ташкил этмоқда. Пахта хом ашёсининг мамлакатимизда кўп миқдорда етиштирилиши нуктаи назаридан, ушбу миқдор экспорт салоҳиятига нисбатан жуда кам фоизни ташкил этади. Фикримизча, бу борада тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни таҳлилий ўрганиш тақозо этилади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида кўриниб турибдики, мамлакатимизда тўқимачилик соҳасида соғлом инвестициявий муҳит яратиш ҳамда жозибадорликни янада ошириш тармоқнинг жадал ривожланишига кенг имкониятлар яратади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги ижобий ўзгариш тенденциялари билан бир қаторда соҳанинг жадал суръатларда ривожланишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

²³⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материаллар билан таъминлашдаги беқарорлик, марказлашган импорт тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, айрим хом ашё ва материаллар турлари учун бож тўловларининг юқорилиги;

- замонавий тикув ва бўёвчи корхоналарнинг етарли қувватда ишламаслиги, рентабеллиги пастлиги, замонавий технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги;

- товар ҳаракатини таъминловчи логистика тизимларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, тўқимачилик маҳсулотларини сертификатлаштиришда ҳал этилмаган масалалар туфайли йирик бозорларга чиқиш имкониятининг чекланганлиги;

- соҳалараро кооперацияга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацияни татбиқ этишга эътибор ва рағбатнинг камлиги;

- малакали бошқарув тизими кадрларининг камлиги, бошқарув ходимларида раҳбарлик компетенцияларининг паст даражадалиги, ходимларни мотивациялаш тизими сустлиги ва бошқалар.

Бугунги кунда йирик йигирув, тўқув, трикотаж корхоналарида бўяш ишлаб чиқариши бўлсада, уларнинг асосий қисми эскирган, емирилган ҳамда зарурий сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш имконини бермаяпти. Агар йигирув ишлаб чиқариши учун машинанинг унумдорлик нормасини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган тизимларини жорий этиш, тўқув ишлаб чиқариши учун янги ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, самарадорликни ошириш зарур бўлса, калава ипи ва газламаларни бўяш-пардозлаш ишларини амалга ошириш учун асосий ишлаб чиқариш фондларини тубдан янгилаш, технологик циклни қисқартириш, энергия сарфини кам талаб қиладиган, юқори самарадорликка эга бўлган технологияларни жорий этиш талаб этилади.

Тўқимачилик дастгоҳлари учун эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак. Ишлаб чиқаришни техникавий модернизациялаштиришга тўсқинлик қиладиган асосий омиллардан бири, нафақат тўқимачилик саноатида қўлланадиган дастгоҳларни ўзимизда ишлаб чиқарилиши, балки уларнинг эҳтиёт қисмларини ҳамда тез емириладиган инвентарларни ҳам ишлаб чиқаришни етарли даражада эмаслигидир.

Бугунги кунда замонавий дастгоҳларга техникавий хизмат кўрсатиш тизими яхши йўлга қўйилмаган. Доимий равишда эҳтиёт қисмларни ташқаридан импорт қилиниши, машиналарга техникавий хизмат кўрсатиш қиймати даражасининг юқорилиги маҳаллий тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигига тўсқинлик қиладиган омиллардан ҳисобланади. Тўқимачилик дастгоҳларининг эҳтиёт қисмларини ишлаб

чиқариш ва тўқимачилик корхоналарига техникавий хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил этилиши истиқболда тўқимачилик ишлаб чиқариши харажатларини қисқартириш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, хом ашёга ишлов беришдан, то тайёр маҳсулот кўринишига келтиришгача бўлган ишлаб чиқариш босқичларини ўз ичига оладиган, ўзаро боғланган, кооперациялашган ишлаб чиқаришларни бирлаштирадиган кластер типигаги холдинг компанияларини яратиш тармоқни монополлашувига олиб келмаслиги, бундай холдинг компанияларини битта, иккита эмас, балки ўнлаб ташкил этиш орқали тармоқдаги рақобат муҳитини яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жihatлари “Biznes-Эксперт” илмий журнали, 2022 й., 2-сон
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали*, 5.
3. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усулларида самарали фойдаланиш. *Иқтисодиёт ва таълим*, 5, 357-363.
4. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. *Т.: Иқтисодиёт ва таълим*.
5. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In *Наука сегодня: теория и практика* (pp. 29-32).
6. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. *Scientific progress*, 3(4), 159-166.
7. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.
8. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. *Бюллетень науки и практики*, 8(5), 450-456.
9. Махсудов, Ш. С. (2022). ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(9), 370-375.
10. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL*

11. Махсудов, Ш. С. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШРИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 993-995.

12. Solijonovich, M. S. (2022). THE ROLE OF ENGINEERING AND COMMUNICATION INFRASTRUCTURE IN THE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT OF THE FREE ECONOMIC ZONE. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.

13. Solijonovich, M. S. (2023). THE INFLUENCE OF MACRO ENVIRONMENTAL FACTORS ON THE DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES. *International Journal of Studies in Business Management, Economics and Strategies*, 2(4), 21-26.

14. Махсудов Шерзод Солижонов (2023). ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН МУЎИТИНГ ТАЪСИРИ. *Research Focus*, 2 (1), 516-522.

15. Maxsudov Sherzod Solijonovich. (2023). THE INFLUENCE OF MACRO ENVIRONMENTAL FACTORS ON THE DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES. *International Journal of Studies in Business Management, Economics and Strategies*, 2(4), 21-26. Retrieved from <https://scholarsdigest.org/index.php/bmes/article/view/96>

16. Махсудов, Ш. С. (2023). МАМЛАКАТДА МАВЖУД ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 15, 405-412.

17. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш “European Journal of Interdisciplinary Research and Development” 2023.

18. Махсудов Ш МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАПРО ЭТИЛГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАНИ ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities Hosted online from Plano, Texas, USA. 2023 may

19. Махсудов Ш. МАМЛАКАТДА МАВЖУД ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development* Website: www.ejird.journalspark.org 2023 may

20. Хамракулов, И. Б. (2023). ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(23), 398-402.

21. Хамракулов, И. Б. (2023). ЖАҲОНДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» НИНГ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(4), 2361-2366.
22. Хамракулов, И. Б. (2023). НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 6(4), 1142-1146.
23. Bakhtiyorovich, K. I. (2023). DEVELOPMENT OF MONITORING INSTRUMENTS OF EFFICIENCY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(4), 1994-1999.
24. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.
25. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, 2(7), 586-592.
26. Хамракулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 140-146.
27. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).
28. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.